

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ**

**А.Қ. БЎРОНОВ, С.К. БАБОЕВ**

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚАДИМИЙ МАҲАЛЛИЙ  
БУҒДОЙ НАВЛАРИНИ ГЛИАДИН  
ОҚСИЛЛАРИ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ**



**УДК.575.162.632.4.01**

Бўронов А.Қ., Бабоев С.К. Ўзбекистондаги қадимий маҳаллий буғдой навларини глиадин оқсиллари хилма-хиллиги // Монография. 2021.

-123 б.

Ушбу монография Ўзбекистондаги қадимий маҳаллий буғдой навларини айнан республикамиз ҳудудларида табиий ҳолда сақланиб қолган навларининг тарқалиш ареаллари, қимматли хўжалик белгилари бўйича идентификация қилиш, нонбоплик ва тўйимлилиқ сифатлари ҳамда глиадин оқсилларининг электрофоретик спектрлари бўйича хилма-хиллигини аниқлашга оид экспериментлар асосида ёзилган

Ушбу монографиядан генетиклар, селекционерлар, ўсимликшунос олимлар, бакалавр ва магистр талабалар фойдаланишлари мумкин.

**Тақризчилар: б.ф.д., катта илмий ходим Б.Х.Аманов**

**б.ф.ф.д., катта илмий ходим Д.Э. Қулмаматова**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Илмий кенгашининг 2021 йил 27 ноябрдаги 4-сонли баённомаси билан тасдиқланган

## КИРИШ

Дунёда «буғдой донини ишлаб чиқариш 2019 йилда 757 млн тоннани ташкил этди, бу 2018 йилга нисбатан 4% га кўп»<sup>1</sup>. Юмшоқ буғдой бошоқли дон экинларидан бири ва у ер юзида экиладиган қишлоқ хўжалиги экинлари ичида энг катта майдонни эгаллайди ҳамда инсоният истеъмол қиладиган асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан бири ҳисобланади. Бутун дунё халқларининг яримидан кўпроғи озиқ-овқат сифатида буғдой нонидан фойдаланади. Аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда бошоқли дон экинлари, жумладан юмшоқ буғдой ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш ҳамда нонбоплигини яхшилаш бўйича селекцион тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда наслчилик, барқарор қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ўсимлик генетик ресурсларини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Табиий селекция жараёнида яратилган маҳаллий навларни генетик асослаш устувор йўналишга эга бўлиб, стресс омилларга чидамлилиги, барқарор ҳосилдорлиги, ўзига хос генетик хилма-хиллиги ва дон сифатларига эга бўлган генотипларни ажратиб олиш, генофонднинг қимматли қисмини ва янги навларни яратишда селекция жараёнларини яхшилаш зарур.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига интенсиф ва инновацион ишланмаларини жорий қилган ҳолда суғориладиган ерларида кузги юмшоқ буғдой майдонлари ортиб бормоқда ва ушбу тармоқ қишлоқ хўжалигининг энг асосий йўналишларидан бирига айланди. Суғориладиган майдонларга мос, юқори ҳосилли буғдой навларини яратиш ва амалиётга жорий этишда жаҳон коллекцияси намуналаридан ҳамда маҳаллий навлардан селекция жараёнида фойдаланиш ҳисобига муайян натижаларга эришилди. Жумладан Ўзбекистоннинг қадимий маҳаллий буғдой навларини йиғиш, ўрганиш ва уни амалиётга жорий этиш бўйича қатор илмий тадқиқот ишлари бажарилмоқда. Ўзбекистон Республикасини

---

<sup>1</sup> ФАО FINMARKET.RU

янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>2</sup> «... қишлоқ хўжалик экинларининг маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган янги селекция навларини яратиш ва жорий этиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда янги буғдой навлари яратишда қадимий маҳаллий буғдой навларининг ташқи муҳитнинг биотик ва абиотик омиллар таъсирига нисбатан чидамлилиги ва барқарорлигини белгилаб берувчи аллел генлар ва полиген тизимларнинг имкониятларидан фойдаланишни тадқиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўсимликларнинг генетик ресурсларини ўрганиш, сақлаш ва селекция жараёнлардан фойдаланиш мақсадида буғдойнинг генетик хилма-хиллигини ўрганиш, қадимий буғдой навларини селекция жараёнига татбиқ этиш бўйича хорижий олимлардан А.А. Jaradat et al. (2012); А.С. Newton et al. (2010); Z.T. Zou et al. (1995); Q.R. Rodriguez et al. (1994); G. Moure et al. (2015); С.С. Park et al. (2012); Е.В. Храмова и др. (2005); П.И. Стёпочкин и др. (2012), буғдойнинг Ўрта Осиёдаги биохилма-хиллиги, маҳаллий қадимий буғдой навларини йиғиш, идентификациялаш бўйича ўзбек олимларидан И.Ш. Шоахмедов ва бошқалар, (1994); Р.А. Удачин ва бошқалар. (1994); С.К. Бабоев ва бошқалар. (2017); З. Алланазарова ва бошқалар (2015); МДХ давлатларидан Х. Муминжонов ва бошқалар (2017) ва бошқалар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Ушбу ишларда қадимий маҳаллий буғдой навларининг тарқалиш ареаллари, қимматли хўжалик белгилари, дон таркибидаги микроэлементлари таҳлил қилинган.

Буғдой дони таркибидаги захира оқсиллардан генетик маркер сифатида фойдаланиш бўйича А.А. Созинов (1985); А.Ф. Попереля и др (1987); Е.В. Метаковский и др. (2006); А.М. Кудрявцев, (2007); Р.А. McIntosh et al. (2015); А.Ю. Драгович и др. (2004); Е.Д. Казаков (2005); Е.Е. Мелникова. (2005) каби чет эл олимлари илмий тадқиқот ишлари олиб бориб, юмшоқ ва

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони

қаттиқ буғдойда глиадин оқсилларининг биргаликда ирсийланувчи компонентлари блоклари каталоги яратилган.

Бироқ қадимий маҳаллий буғдой навларини генотиплаш, биокимёвий маркерлар ёрдамида тўлиқ идентификациялаш, уларнинг миқдорий белгиларини ўзгарувчанлик ва ирсийланиш хусусиятлари, дон таркибидаги захира оқсилларнинг электрофоретик таҳлили тўлиқ ўрганилмаган.

қадимий маҳаллий буғдой навларининг тарқалиш ареалларини аниқлаш, намуналар йиғиш ва морфологик белгилари бўйича идентификациялаш;

қадимий маҳаллий буғдой навларининг каталогини тузиш, каталогга киритилган навларни глиадин оқсиллари электрофоретик спектрлари бўйича таҳлил қилиш ва полиморфизмини аниқлаш;

қадимий маҳаллий буғдой навларининг қимматли хўжалик белгилари бўйича баҳолаш, алтернатив белгига эга бўлган шаклларни ажратиш ва дурагайлаш;

дурагайларда глиадин оқсили спектрлари ҳамда қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланишини гибридологик таҳлил қилиш;

танлаб олинган тизмаларни нав даражасига етказиш ва Давлат нав синовига топшириш.